

# **КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Махмонов Укташ Аширович, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти Қарши филиали “Умумтехник фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Тел.: 94 522 55 64.

e-mail:[maxmanov72@mail.ru](mailto:maxmanov72@mail.ru)

## **Аннотация**

*Кредитъ-модуль тизими дунёнинг илгор мамлакатлари олий таълим тизимида кенг қўлланилаётган тизимдир. Уибу таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири ўқув жараёнида асосий эътибор талабаларнинг мустақил ишилашига қаратилганлигидир. Талабаларнинг мустақил ишиларини ташкил этиши, ўқув-услубий таъминотини шакллантириши ва такомиллаштириб бориши, “ўқитувчи↔талаба” механизмини доимий ҳаракатини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Уибу мақолада кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишилаши ташкил этиши ва назоратини амалга ошириши, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича таклифлар берилган.*

**Калит сўзлар:** кредит, “syllabus”, танлов фани, ТМИ, ЎРТМИ, ECTS

Кредит-модуль тизимида ҳар бир фан ўқитувчи томонидан ишлаб чиқиладиган 4-5варакли фан дастурига, яъни “syllabus”га эга бўлади ва у семестр бошида талабаларга тақдим этилади. “Syllabus” ўзининг мазмунида қуйидагиларни қамраб олиши керак: фаннинг мақсадлари ва унинг ўкув дастурида тутган ўрни, касбий фаолият учун аҳамияти, талабалар ушбу фанни ўрганиш натижасида эга бўладиган билимлар ва кўнилмалар, фан бўйича семестр давомида ўрганиладиган мавзулар,

фойдаланишга тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати, баҳолаш мезонлари, талабаларнинг бажариши лозим бўлаги мустақил ишлари мавзулари ва турлари.

Агар фан танлов фани бўлса талаба учун бундай маълумотларнинг аҳамияти жуда катта. Чунки талаба фанни танлаш ёки танламаслик бўйича қарорга келиши учун у фан ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Яъни талаба фаннинг номи, фан ўқитувчилари, фан бўйича эгаллайдиган назарий билимлари ва амалий қўникмалари, фаннинг ишлаб чиқариш саноати ва халқ хўжалигидаги аҳамияти, бажарадиган мустақил иш топшириклари ва уларнинг турлари, фанга ажратилган кредит миқдори ва кредитларни тўплаш тартиб-қоидалари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши керак.

Фан дастуридан кўзланган мақсад жуда оддий – ОТМларда дарс жараёнларини шаффоф, мақсадли ва режа асосида ташкил этишга эришишдир<sup>1</sup>.

Талабанинг ўзи ўқиётган фанни яхши ўзлаштириши ва унинг мазмун-моҳиятини англаб етишида унинг томонидан бажариладиган мустақил ишларнинг аҳамияти бениҳоя катта.


**Талабаларнинг мустақил иши (ТМИ)** – бу талабанинг ўзига хос ўқув фаолияти бўлиб, у дидактик топширикларни мустақил равишда бажаришга, ўқишга қизиқтиришга ва муайян фан соҳасида билимларни оширишга йўналтирилган. ТМИ мазмуни мантиқий фикрлашни, изходий фаолликни, ўқув материалини ўзлаштиришда тадқиқотчилик ёндашувини шакллантиришга имкон берувчи амалий топширикларни бажариш билан боғлиқ бўлади<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> В. Ўринов. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар. Кўлланма. Эл-юрт умиди жамғармаси ва Республика Олий Таълим Кенгashi билан ҳамкорлиқда. 2020 й. -64 б.

<sup>2</sup> Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модул тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. - 120 бет.

Талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишларни бир қанча турларга ажратиш мумкин (1-расм).



### **1-расм. ТМИ турлари.**

ECTS кредит-модуль тизимида фаолият юритадиган олий таълим муассалари амалиёти таҳлил қилинганда, уларнинг аксариятида аудитория машғулотларига умумий ўқув юкламасининг 40%и ва талабанинг мустақил ишларига 60% ажратилганлигини кузатиш мумкин. Бу нисбат бошқача қилиб айтганда 1:1.5 тўғри келади. Яъни, талаба муайян фан бўйича

белгиланган ҳар 1 соат дарс учун унга дарсдан ташқарида бир ярим соат мустақил ўқиши, тайёрланиши керак бўлади<sup>3</sup>.

ECTS кредит-модуль тизимида талабани онгидан “билим олиш вақти аудиториядаги дарс машғулотларидангина иборат” деган тушунчани чиқариб ташлашга эришишимиз керак. Унда янги билимнинг манбаи фақат ўқитувчи ёки аудитория машғулотлари эмас, балки улар унинг учун йўл кўрсатувчи, йўналтирувчи, дастлабки ва умумий маълумотларни берувчи сифатида қараш лозимлиги бўйича тушунчаларни шакллантиришимиз керак. Чунки талаба аудиторияда ўқитувчи томонидан берилган дастлабки маълумотлар ва тушунчаларни янада чуқурроқ ўрганиб мустаҳкамлаш, ўзида малака ва кўникмаларни ҳосил қилиши ўзининг бажарадиган мустақил ишларига, умуман олганда ўзининг ҳатти-ҳаркати ва интилишига боғлиқ эканлигини ҳис этиши лозим. Мисол орқали тушунтирадиган бўлсак, талаба фан бўйича 1 кредит тўплаши учун 12 соат аудитория машғулотлари (маъзуза, амалий ва лаборатория машғулотлари, семинар дарслари)да қатнашиши ва 18 соат ҳажмдаги мустақил иш турларини бажарилиши керак бўлади.

ТМИнинг сифатли бажарилишини ва талаба фаолияти яхши самара бериши энг аввало фан ўқитувчисига боғлиқ, яъни ўқитувчининг талабани фанга қизиқтира олиши, мотивация бера олиши, креативлигига боғлиқ. Ўқитувчи талabalарга ўз вақтларидан самарали фойдаланишлари учун уларга дарсдан ташқарида ўқиш учун адабиётларни ва қизиқарли материалларни тақдим этиб бориши, турли топшириқлар ва муаммолар бериб бориши керак бўлади.

ТМИ мазмуни фаннинг хусусиятидан, олий ўқув юртининг техник имкониятларидан ва кутубхонанинг ўқув-услубий таъминланганлигидан

---

<sup>3</sup> В.Ўринов. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар. Кўлланма. Эл-юрт умиди жамғармаси ва Республика Олий Таълим Кенгаши билан хамкорликда. 2020 й. -64 б.

келиб чиқиб аниқланади. ТМИ инновацион технологияларга асосланган бўлиши керак<sup>4</sup>.

ЎРТМИ якка тартибда ва гуруҳ тарзида, ҳамда маслаҳат ва интерфаол шаклларда амалга оширилиши мумкин. Гуруҳ тарзидаги ЎРТМИ ҳар бир фан бўйича бутун академик ўқиш даврида сана, вақти, аудиторияси ва тьюторларни кўрсатган ҳолда, тасдиқланган графикжадвал асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Мустақил ишларни бажариш бўйича якка тартибда маслаҳат олган талаба ўқитувчиларнинг меҳнатини ҳисобга олиш бўйича юритиладиган маҳсус қайд журналига регистрациядан ўтади ва имзо қўяди.

ТМИнинг ҳажми, мазмуни ва ҳисбот турини, ишнинг ҳажмини (соатларда), кетма-кетлигини ва топшириш муддатларини кафедра белгилайди, шунингдек бажарилган ТМИ сифатини назорат қилиб, ТМИ натижалари бўйича талabalар ва ўқитувчиларнинг ҳисботларини кўриб чиқади. Бунинг учун кафедра миқёсида ТМИ сифатини назорат қилиш бўйича маҳсус комиссия ҳам ташкил этилади. Ушбу комиссия фанлар кесимида ТМИларини ташкил қилиш ва режалаштириш, уларни тарқатиш, топшириш муддатларини ва сифатини назоарт қилиш ва услубий таъминотини яхшилаш мақсадида ташкил қилинади.

Комиссия аъзоларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) ЎРТМИ жадвалларини тузиш ва назорат қилиш;
- 2) Факультет йўналишлари бўйича фанлари бўйича семестрда ЎРТМИларни ўтказиш жадвалларини мувофиқлаштириш;
- 3) Мустақил ишларнинг талabalар томонидан бажарилишини баҳолаш ва назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш;
- 4) Бутун семестр учун алоҳида фанларнинг иш сифими бўйича ЎРТМИ жадвалларини таҳлил қилиш;

---

<sup>4</sup>Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўкув юргларида ўкув жараёнини кредит-модул тизимида ташкил қилиш. Ўкув қўлланмана. – Тошкент, ТКТИ, 2020. - 120 бет.

- 5) ЎРТМИларини топширишнинг ягона жадвалларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш;
- 6) Алоҳида фанлар бўйича топшириқлар сифатини баҳолаш;
- 7) ТМИ шаклларини танлашнинг тўғрилигига баҳо бериш;
- 8) Топшириқларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар мавжудлигини таҳлил қилиш ва уларни эксперт баҳолаш;
- 9) Ўзлаштириш таҳлили натижаларидан келиб чиқиб ТМИни такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;
- 10) ТМИни ташкил қилиш масалалари ва уларнинг услубий таъминоти бўйича профессор-ўқитувчилар жамоаси билан семинар ва маслаҳатларни ташкил қилишда иштирок этиш;
- 11) Турли кўринишдаги ТМИ бўйича ёндашувларни ва баҳолаш меъёрларини аниқлашда иштирок этиш<sup>5</sup>.

ТМИнинг сифатли бажарилишини таъминлашда “Ўқитувчи↔талаба” механизмини шакллантириш ва унинг узлуксиз ҳаракатини таъминлаш лозим.


**“Ўқитувчи↔талаба” механизми** – бу шундай механизмки, бунда ўқитувчи талабага топшириқлар ва уларни бажаришга мотивация бериш орқали унинг ҳаракатини таъминласа, талаба эса ўқиши, ўрганиш ва изланиш натижасида ўзи дуч келган муаммолар юзасидан мурожаати орқали ўқитувчининг ҳаракатини таъминлайди<sup>6</sup>.

Бу механизм ўзаро акс таъсир тамойилига асослангандир. Чунки талаба мустақил ишларни бажариши жараёнида қанчалик кўп муаммоларга, саволларга дуч келса, шунчалик даражада ўқитувчига яқинлашиб, мурожаат қила бошлайди (2-расм). Талabalарнинг саволларига етарли даражада жавоб бера олиши учун эса ўқитувчи ўз соҳасининг билимдони бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда ўқитувчи ва у ўқитадиган

<sup>5</sup>Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўкув юртларида ўкув жараёнини кредит-модул тизимида ташкил қилиш. Ўкув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. - 120 бет.

<sup>6</sup>Ушбу тушунча ва унга берилган таъриф муаллифи мақола автори хисобланади

фаннынг рейтинги тушиб кетади, агар у танлов фани бўлса, ўкув режасидан олиб ташланишигача борилиши мумкин.



**2-расм. “Ўқитувчи ↔ талаба” механизмининг схемаси.**

Олий таълим тизимида АКТ ва рақамли технологияларнинг тобора кенг қўлланилишини эътиборга олган ҳолда, ТМИни бажартиришда электрон шаклдаги ЎРТМИГа ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яъни ТМИнинг 30-35%ини ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда талаба қўйидаги мустақил иш турларини бажариши мумкин бўлади:

- Chart – жадвал, диаграмма ва схемаларни чекланган ҳажмда таҳлил қилиш;
- Q/A – масофавий таълим платформасида ўқитувчи томонидан берилган саволларга белгиланган ҳажмда ёзма жавоб бериш;
- SWOT – фан бўйича бирор тушунчани чекланган ҳажмда SWOT-таҳлил қиласи;
- Link – интернет ҳаволасини очиб унда келтирилган видео ёки матн шаклидаги материални белгиланган ҳажмда изоҳлаш;
- Report – лаборатория машғулотлари бўйича ҳисботларни масофавий таълим платформасига киритиш;

- Interview – муаммони тадқиқ қилиш бўйича сухбат уюштириш ва уни масофавий таълим платформасига юклаш;
- Google Apps – Google Classroom платформасида ҳамкорликда слайдлар, жадваллар, матнлар шаклидаги топшириқларни бажариш;
- Дайжест - берилган мавзу бўйича интернет-ҳаволалар тўпламини келтириш, картотека тузиш ва уларни қисқа изоҳлаш.

Бундан ташқари ўқитувчи фанинг хусусиятидан келиб чиқиб, талабаларга турли компьютер ўқув-дастурлари (MatLab, CorelDRAW, AutoCad, Excel, ...) ёрдамида электрон тарзда бажариладиган мустақил иш топшириқларини ҳам бериши мумкин.

Талабаларнинг фан бўйича мустақил ишларни бажаришларини назорат қилиш ва уларнинг доимий ҳаракатини таъминлаш мақсадида талабанинг қўлида “йўл харитаси” бўлиши керак. “Йўл-харита” сифатида қўйидаги график-жадвалдан фойдаланиш мумкин.

ТМИ тури					
Анъанавий шаклдаги ЎРТМИ			Электрон шаклдаги ЎРТМИ		
Топширик тури ва сони	Бажарилиш муддати	Бажарилганлиги ҳақида маълумот	Топширик тури ва сони	Бажарилиш муддати	Бажарилганлиги ҳақида маълумот
Реферат			Chart		
Тақдимот			Q/A		
Кейс-стади			SWOT		
Ҳисоб-чизма ишлари			Report		
Илмий мақола ёки тезис чоп этиш			Google Apps		
...			...		

Ушбу график-жадвалга киритиладиган ТМИ турларини фанинг хусусияти ва мустақил ишларга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда фани ўқитувчиси белгилайди ва кафедрада йиғилишида кўриб чиқиласди.

Умуман олганда кредит-модуль тизимида ТМИни ташкил этиш, самарадорлигини ва сифатли бажарилишини таъминлаш ҳозирги пайтдаги асосий долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

### **Фойдалингандар адабиётлар рўйхати**

1. В.Ўринов. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар. Қўлланма. Эл-юрт умиди жамғармаси ва Республика Олий Таълим Кенгаши билан ҳамкорликда. 2020 й. -64 б.
2. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модул тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. - 120 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига асосан қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида Низом”. Тошкент, 2020 йил.
4. Азизов У. Кредит-модуль тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари. - [http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/index.php?SECTION\\_ID=161&ELEMENT](http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/index.php?SECTION_ID=161&ELEMENT) (Манбага 24.09.2020 да мурожаат этилган).